



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Салимов Қувончбек Чори ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти, унинг тушунчаси, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: ғайриижтимоий хулқ-атвор, маиший зўравонлик, криминоген вазият, ғайриижтимоий хулқ, зўравонлик ҳиссиёти.

Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида режа асосида вазиятдан келиб чиқиб, уларга ижтимоий ёндашиб, ташаббускорлик билан ижросини таъминлаши ва борада ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда бошқа субъектларнинг ҳамкорлигидан унумли фойдаланиши лозим.

Хар қандай дарахтнинг илдизи бўлгани каби, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ҳам келиб чиқиш сабаблари, бошланиш нуқтаси бўлади, хулқ-атвор инсонда болалик чоғидан шаклланиб боради, инсон атрофидагилардан ота-онасидан, оиласидан намуна олган холда вояга етиб ўзида олган тарбиясига қараб ҳаётга, инсонларга бўлган муносабатини шакллантиради. Ўзбекистонда маҳаллага ижтимоий муҳитнинг кичик бўлаги сифатида қаралади. Юртимизда маҳаллага ҳаётимизнинг энг тухим қисми сифатида қаралади, бир болага етти маҳалла ота-она деб бекорга айтилмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда индивидуал таъсир этиш йўли ёрдам бера олмаслиги мумкин аммо кўпчиликнинг таъсири остида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Хозирги кунда мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечирини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш,



миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслилигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунда қатор камчиликларни ҳам оила-турмуш ҳаётида учратишимиз мумкин.

Оилалардаги таркибий ўзгаришлар тўла-тўқис оилалар, шунингдек, ёлғиз оналар ёки вояга етмаган оналар томонидан никоҳсиз туғилган болалар сони кўпаймоқда, шу сабабли ташландиқ болалар сони кўпаймоқда; оилаларда эмоционал, махфий мулоқотнинг йўқлиги ёки етишмаслиги, катта ёшли оила аъзолари ўртасидаги муносабатларда ва ота-она ва бола муносабатларидаги зиддиятнинг юқори даражаси, умуман олганда, ноқулай ҳиссий фон, педагогик лаёқатсизлик, оиланинг ахлоқий асосларининг пасайиши, алкоголизм, ота-оналарнинг гиёҳвандлиги ва шу сабабли болаларга нисбатан шафқасиз муносабатда бўлиш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини эътиборсиз қолдириш. Қийин ҳаёт шароитида бўлган болаларга ёрдам берадиган амалий ижтимоий ишлар, айниқса, оила нотўғри ишларга ажратилган ҳолларда, боланинг оиласи билан мажбурий ишлашни ўз ичига олади. Бир гуруҳ оилалар учун муаммони кўрсатиши ва уни ҳал қилиш йўллари белгилаши кифоя. Ушбу оилалар Марказ мутахассислари томонидан тақдим этилган педагогик, психологик, ҳуқуқий ва ҳоказо маълумотлардан фойдаланган ҳолда ушбу вазиятдан ўз-ўзидан чиқиб кетишлари мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Маҳалла фуқаролари йиғини раислари, ташкил этилган комиссиялар билан биргаликда оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

Хусусан, ички ишлар органлари билан маҳалла фаоллари ҳамкорлигида “Маиший зўравонлик қурбонига айланма!!!” шиори остида ўтказилган тарғибот тадбирлари ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамиятда тутган ўрнини оширишга қаратилган чора тадбирлар натижасида жорий йилнинг 5 ойида республикамизда 1451 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерлари берилди, профилактик ҳисобда турган 2028 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди, 3742 нафарига моддий ҳамда ижтимоий кўмак берилди, 532 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди, 423 нафар вояга етмаган қизлар, 1881 нафар ёш хотин-қизлар (18-30 ёш), 515 нафар илгари судланган аёллар ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилди. Ҳамкорликда амалга



оширилган тадбирлар натижасида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 0.4 фоизга камайишига эришилди.¹

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланганлиги маҳаллаларда профилактик ишларни ташкиллаштиришда қўл келмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари профилактика инспекторлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш билан биргаликда, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.²

Шунингдек, маҳалла томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати ташкиллаштирилиб, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, республикамызда уч-тўрт йилдан бери ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилмаган маҳаллалар ҳам борки, бу маҳалла аҳли тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашидан, шунингдек, ҳудудда маҳалла фаоллари билан профилактика инспекторлари, нуруний отахон ва онахонларимиз, оқсоқоллар, кайвонилар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалла халқни тарбиялайдиган, одамлар қалбида эзгу ғояларни шакллантирадиган маскан сифатида гуллаб-яшнаб, маънавиятимизга таҳдид солаётган бузғунчи ғояларга қарши курашда ўзининг эзгу амаллари билан хизмат қилмоқда.

Криминоген вазият – бу мазмун бўйича жиноий ниятнинг, жиноят содир қилиш мақсадининг шаклланишига ижобий таъсир қилувчи жиноий натижага эришиш учун қулай ҳисобланган, яъни жиноят содир этишга кўмаклашувчи вазиятдир.

Ўзбекистонда жиноятлар сони 2021 йил давомида 111084 та содир этилган.³ Ҳуқуқбузарликлар сони 42784 тани (ўтган йилнинг худди шу даврида 65758 тани) ташкил этди.

¹ Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайтидан // <https://stat.uz>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2833-сонли Қарори

³ Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайтидан // <https://stat.uz>



Жумладан:–қотиллик — 426 та

–танага оғир жароҳат етказиш—1319 та

–безорилик — 3024 та

–босқинчилик — 1344 та

–фирибгарлик — 3079та

–ўғирлик — 19732 та

–авто ҳалокатлар натижасида одамлар ҳалок бўлиши — 2199 та.

Ёшлар ўртасида жиноят содир этилишига асосий сабаб сифатида ишсизлик айтиб ўтилди.

Ҳуқуқбузарлик содир этган 12465 нафар ёш (27,7 фоиз) ўқимайди ва ишламайдиганлар ташкил этди.⁴

11 ой мобайнида 6887 ходим (95,6 мингдан ортиқ ходимнинг 7,2фоизи) хизмат интизомини бузган, 155 таси (0,1%) жиноий ва 1283 таси (1,3%) маъмурий жавобгарликка тортилган.

1700 нафар профилактика инспектори (24,6%), 829 нафар ЙҚХХ ходими (12%) ва 743 нафар раҳбар ходим (10,8%) хизмат интизомини бузган, Йўл-транспорт ҳодисалари сони 882 та ёки 9,8 фоизга (8959дан 8077 га), йўлда ҳалок бўлганлар 182 ёки 8,1 фоизга (2248 дан 2066 гача), жароҳатланганлар сони 1039 нафарга ёки 12,1 фоизга (8603 дан 7564 гача) камайган. Планшетлар орқали фуқаролар шахсини аниқлаш бўйича тажриба лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси томонидан 1255 нафар профилактика инспектори ва 600 нафар жиноий қидирув ходимларига 1,725 та қурилма тақдим этилди. Давлат хизматлари марказлари орқали 724111 та янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари берилди. Онлайн аукционларда 18718 та давлат автотранспорт рақами 95,466 млрд сўмга сотилди. 1-сентябрдан автомобиллар ойнасини қорайтириш (тонировка) хизматларини тақдим этиш орқали давлат бюджетига 6,9 млрд сўм келиб тушди. Ушбу маблағларнинг 10 фоизи ИИО ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилди.

Ўтган давр мобайнида ёнғинлар 680 тага ёки 27 фоизга (11360 тадан 10680 тага), уларда ҳалок бўлганлар 27 тага (133 тадан 106 тага), жабрланганлар — 49 нафарга (358 нафардан 309 нафарга) камайди.

Профилактика инспектори инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида ҳуқуқбузарликлар кўплаб учраб турадиган жойларга ҳам аҳамият бериши лозим. 2021-йилда жиноятлар сони Бухоро, Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқорилигича қолган. Бу ҳақда 22 февраль куни Бош прокуратурада ўтказилган Жиноятчиликка қарши кураш бўйича

⁴ Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайтидан // <https://stat.uz>



Мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жойлардаги кримининген вазият тахлил қилинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида биргина 2019 йилда умумий жиноятлар қарийб 3 минггага ёки 6% га камайиб, Ўзбекистонда криминоген вазият барқарорлиги сақланган. Мавжуд 9116 та маҳалладан 3074 таси ёки ҳар учинчисида жиноят қайд этилмаган.

Қотиллик жинояти Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида, оғир шикаст етказиш Қашқадарёда, номусга тегиш Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Қашқадарёда, босқинчилик Сирдарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида сезиларли ошган. Профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида 51 та туман ва шаҳарларда қотиллик жинояти кўпайган. Фарғона ва Тошкент вилоятларида илгари судланган шахслар томонидан, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида маст ҳолда жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайган. Жорий йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10-январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда Андижон вилоятининг деярли барча туманларида оғир турдаги жиноятлар сони ошгани, вилоятда аёллар жиноятчилигининг салмоғи юқори бўлиб, республика кўрсаткичининг 8,5 фоизини ташкил этгани таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистонда жиноятчилик 31 фоизга камайган бўлса-да, қотиллик ҳолатлари кўпайган. Наманган вилоятида ҳам бу борада аҳвол қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди. Аммо ижобий натижага эришидган ҳудудлар ҳам йўқ эмаслиги таъкидланди. Жиноятчиликни жиловлашда энг юқори натижага эришган 10 та ҳудуд – Ширин ва Гулистон шаҳарлари, Шаҳрисабз, Янгийўл, Кегейли, Қонликўл, Ховос, Сардоба, Миробод, Ўртачирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларини моддий рағбатлантириш, аксинча, бу борада кўрсаткичлари энг салбий бўлган 10 та ҳудуд– Нурота, Нишон, Элликқалъа, Пахтаобод, Дўстлик, Пахтакор, Избоскан, Бўстонлик, Бувайда, Қуйичирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларига жарима шаклидаги интизомий жазо қўллаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахсининг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган.

Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шартшароитларга қуйидагилар киради:

- Қадриятлар тизими;
- Ахлоқий йўналганлик;



Хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;

Ўзини-ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.

Ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар хулқ-атвориغا хос психологик хусусиятлар:

Зўравоннинг тажовузкор хулқи дарҳол юзага келиб, ўз талабларининг бажаришларини хоҳлайди;

Ўз жаҳлини бошқара олмайди, психологик зўриқишпайтида ўзини назорат қилмайди;

Хавотирлик ва асабийлик ҳолатини бошқара олмаслиги, тажовузкор хулқ-атвориغا сабабчи бўлади;

Ўз айбини тан олмасдан, бошқаларга юклайди ва ўзини “жабрланувчи” деб эътироф этади;

Содир этган қилмишининг оқибатларини англамайди;

Ҳар қандай танқидни кўтара олмайди ва ўзи содир этган қилмишни ҳуқуқбузарлик эканлигини тан олмайди;

Ўзини оқлашга ҳаракат қилади;

Мулоқот давомида ҳеч кимга меҳр-шафқат кўрсатмайди ва мулоқотдан ўзини олиб қочади;

Спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиши унинг тажовузкорлигини янада оширади.

Қуйидаги маълумотлар асосида шуни алоҳида такидлаб ўтиш лозимки, профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлаш жараёнида нафақат уларнинг хусусиятлари, балки унга салбий таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларга ҳам боғлиқлигини ҳам таҳлил қилишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // БМТ Бош Ассамблеяси 20 ноябрь 1989 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 № 38. – 438-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2014. – № 20. – 221-м.



9. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 й, 37-сон, 426-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги 2017 йил 11 сентябрь қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т–2017.